

УДК: 339.727.22

Хушвоқов Азизбек Сирожиддинович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

## ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ЖОЗИБАДОРЛИГИ ХУСУСИДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ТАЛҚИНИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада инвестиция муҳити жозибадорлигининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тадқиқи қилинган, унинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Мамлакатда инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар тавсифланган ва таснифланган. Тадқиқот натижалари асосида инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, инвестиция муҳити, жозибадорлик, хорижий инвестициялар, инвестиция фаолияти, молиявий имтиёзлар, асосий капитал, модернизация, инвестиция рисклари, инвестицион салоҳият, интенсив ривожланиш.

**Khushvakov Azizbek Sirojiddinovich**

**Independent researcher of Tashkent State University of Economics**

## INTERPRETATION OF SCIENTIFIC AND THEORETICAL VIEWS ON THE ATTRACTIVENESS OF THE INVESTMENT ENVIRONMENT

**Annotation.** This article examines the importance of the attractiveness of the investment environment, reveals its distinctive features. The factors influencing the investment environment in the country are described and classified. Based on the results of the study, proposals and recommendations were developed aimed at increasing the attractiveness of the investment environment.

**Keywords:** investments, investment environment, attractiveness, foreign investments, investment activity, financial benefits, capital, modernization, investment risks, investment potential, intensive development.

Инвестиция муҳити жозибадорлигини таъминлаш масаласи мамлакатимизда инвестиция фаолиятини ривожлантириш, хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, иш ўринларини яратиш ва аҳолини банд қилиш, ишлаб чиқаришда интенсив ривожланишга эришиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, асосий капитални модернизация қилишда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шу муносабат билан «мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 млрд долл., жумладан 70 млрд долл. хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш» [1] масаласи 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида муҳим устувор вазифа сифатида белгилаб олинди.

Шундай экан, учта мустақил сўздан иборат бўлган бу иборанинг мазмун-моҳияти нимани англатади? Унинг негизида нима(лар) ётади? Уни тилга олганимизда кўз ўнгимида нима(лар) гавдаланади? Моҳиятан «инвестиция муҳити жозибадорлиги» ўзи нима? Бу ибора нималарни қамраб олиши зарур ва уни идрок этиш (тушуниш) жараёнида нималарга эътибор бермоқ лозим?...

Иқтисодий адабиётларда инвестиция муҳити жозибадорлиги масаласи кўплаб хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи-олимлар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, иқтисодчи-олимлар Э.Долан [2], Дж.Кейнс [3], Кэмпбелл Р. Макконнелл [4], Пол А. Самуэльсон, Вильям Д. Нордхаус [5], Й.Шумпетер [6], Л.Агаева, В.Анисимова [7], Г.Литвинцева [8] илмий ишларида инвестицияларнинг мазмун-моҳияти ва хусусиятлари, инвестиция муҳити ва унинг жозибадорлиги, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг илмий-назарий асослари, минтақанинг инвестициявий

жозибадорлиги, ҳудудларнинг инвестицияларни жалб этувчанлигини ошириш омиллари каби масалалар тадқиқ қилинган.

Маҳаллий иқтисодчи-олимлардан А.Вахабов [9], Т.Маликов [10], Д.Фозибеков [11], Х.Имомов [12], Ш.Мустафакулов [13] ларнинг илмий ишларида инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва инвестицияларни молиялаштириш механизмлари, инвестиция муҳити ва унинг жозибадорлигини ошириш масалалари, хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш, ҳудудларда инвестиция фаолиятини ривожлантириш масалалари тадқиқ қилинган.

«Инвестиция муҳити жозибадорлиги» тушунчаси мураккаб маънога эга бўлиб, инвестиция тушунчаси назария ва амалиётда халқаро атама сифатида дунёнинг барча халқлари тилида бир хил маънода қўлланилади. Муҳит ва унга нисбатан қўлланиладиган жозибадорлик атамалари ўзбек тилида нисбатан камроқ ишлатиладиган сўздир. Шу нуқтаи назардан ушбу сўз бирикмасининг замирида, негизида нималар ётганлиги ва моҳиятан у нималарни билдириши мумкинлигини англаш мураккабdir.

*Биринчидан, Ўзбек тилининг имло лугатида «инвестиция* (нем. *investition*, лот. *investire* – кийинтирмоқ, сарпо бермоқ) – мамлакат ичкарисида ёки чет элда фойда кўриш мақсадида бирор корхонага, иқтисодиётнинг муайян тармоғига капитал қўйиш, киритиш ва шундай капиталнинг ўзи» [14] сифатида ифодаланган. Амалдаги қонунчиликда «инвестициялар – инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари обьектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган хуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк обьектларига бўлган хуқуқлар, шунингдек реинвестициялар» [15] сифатида таърифланган.

*Иккинчидан, «муҳит» тушунчаси (араб. – ўраб олинган, ихота этган, ихота этилган): ҳаёт, фаолият кечадиган табиий ва ижтимоий шароитлар*

мажмуи; географик ва ижтимоий мұхит; ҳодиса жараён ва шу каби кечадиган моддий шароит» [16] тарзида ифодаланган.

Учинчидан, «жозибадорлик» сүзи, фақат сўзларнинг ўзига эътибор бериладиган бўлса, араб ва форс тилидаги сўзлар бирикмасидан ташкил топган бўлиб, у «ўзига мафтун этишлик», «ўзига жалб этишлик» маъно-мазмунларини англатади. Хусусан, бунда: 1) «жозиб – ўзига тортувчи, мафтун қилувчи, ўзига жалб этувчи; 2) жозиба – ёқимлилик, дилбарлик, малоҳат; 3) жозибадор – жозибага эга, мафтун этувчи, ўзига тортувчи, мафтун қилувчи, жозибали; 4) жозибадорлик – ўзига мафтун этишлик, ўзига жалб этишлик» [17] каби сўзларнинг ҳам қандай маъно-мазмунанглатиши мумкинлигига эътибор бермоқ зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, инвестиция мұхити жозибадорлиги хусусида қуйидагиларни алоҳида қайд этиш зарур:

инвестициялар иқтисодиётни интенсив ривожлантириш мақсадида ўз мамлакатида ёки чет элларда турли тармоқларга, ижтимоий-иктисодий дастурларга, инновация, тадбиркорлик лойиҳаларига узоқ муддатли сармоя киритишдир. Инвестиция сармояни муайян муддатга боғлашни ёки банд қилишни билдиради. Сармоя бу рус тилида капитал тушунчасини билдиради ва унинг ҳаракати, яъни бирор бир тармоқ ёки соҳага жойлаштирилиши уни инвестицияга айлантиради. Бундан асосий мақсад капитал қийматини сақлаб қолиш ёки бўлмаса капитал қийматини вақтда ўстириб боришидир. Иқтисодий мазмуни жихатдан инвестиция турли фаолиятларга сафарбар этилган моддий, номоддий бойликлар ва уларга бўлган ҳуқуқларни акс эттиради. Бундан кўринадики, инвестициялар фойда олиш ёки бошқа самараларга эришиш мақсадида моддий ва номоддий обьектларга жойлаштириладиган барча турдаги бойликлар, шу жумладан, мулкий ҳуқуқлар, шунингдек асосий фондларни барпо этиш ва модеринизация қилишга йўналтирилган капитал қўйилмаларни ифода этади;

муҳит – бу инвестициялар жойлаштириладиган, инвестицияларни амалга оширишдаги шарт-шароитларни, инвестиция муносабатлари ва тартиб-қоидалари мажмuinи ўз ичига олади. Инвестиция муҳити ўзгарилиши ва бу ўзгаришлар жараёнида инвестициялар ҳам таркибий жиҳатдан ўзгариб боради;

жозибадорлик – инвестициялар самарадорлигининг таъминланиши ифодаси сифатида мавжуд рисклар ва инвестиция салоҳияти билан шаклланган ҳудудий иқтисодиётнинг ҳолатини ифода этади. Бунда инвестиция қўйилмаларининг мақсадга мувофиқлиги, самарадорлиги ва риск даражасига таъсир қилувчи омиллар мажмуига, қулай ва барқарор ҳуқуқий режимга, хорижий инвесторларга мулкини миллийлаштириш хавфидан кафолатлар берилиши ва унинг ҳуқуқларини камситмайдиган режим яратилишига, инвестицияларнинг кириб келишини белгиловчи ва инвестиция фаоллиги билан баҳоланадиган объектив иқтисодий, ижтимоий ва табиий воситалар, имкониятлар ва чекловларга алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан кўринадики, инвестиция муҳити жозибадорлиги инвестициялар самарадорлиги ва рентабеллигининг таъминланишига имкон беради. Инвестиция муҳити жозибадорлиги ҳудуд инвестиция муҳитининг ажралмас қисми бўлиб, унга таъсир этувчи барча омиллар ва кўрсаткичлар мажмуи бўлиб, инвестициявий салоҳият ва инвестиция риски даражаси инвестициявий жозибадорликни белгилаб беради.

Инвестиция муҳити жозибадорлиги тушунчасининг мазмун-моҳияти кўриб чиқилаётган пайтда инвестиция салоҳияти ва инвестиция муҳити тушунчалари марказий майдоннои эгаллайди. Сабаби, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалар бўлиб, инвестиция салоҳияти инвестиция фаолиятининг ресурс имкониятларини аниқлаб беради ва ушбу ресурслардан фойдаланиш, ўз навбатида, таҳлил қилинаётган объектнинг инвестициявий жозибадорлигига боғлиқ бўлади ва албатта, шарт-

шароитлар ва турли омилларни инвестициявий мухит ҳолатини белгилаб беради.

Инвестиция мухити табиий шарт-шароитлар, фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сифими, товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, валюта сиёсати, кредит тизими ҳолати, солиқقا тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг яратилганлиги каби омиллар орқали белгиланади.

Кулай инвестиция мухитини яратишнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳукукий-меъёрий база бўлиб, у ҳар бир салоҳиятли инвесторнинг мулкий манфаатларини химоялаши, кафолатлаши, шунингдек мамлакатдаги мавжуд инвестиция механизмининг тушунарли ва аниқ бўлишини таъминлаши лозим. Содда қилиб айтганда, инвестиция мухити инвестиция муносабатларини амалга ошириш мумкин бўлган молиявий имкониятлар ва қўлайликлар мажмуасини ўзида акс эттирган воқеликдир. «Инвестиция мухитини яхшилашдан мақсад инвестиция салоҳиятини ошириш учун зарур ва мақбул шарт-шароитларни яратиш, инвестиция фаолиятини жадаллаштириш ва пировардида, иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини яратишдан иборат» [18].

Республикада сиёсий-иқтисодий шароитнинг мавжудлиги, яъни қулай инвестиция мухитининг яратилиши ва хорижий капитални қабул қилиш тизимининг самарали бўлиши хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зарурий шартидир. Инвестиция мухити инвестиция ресурсларини жойлаштириш учун умумий мезон бўлиб, биринчи навбатда, капитал маблағларнинг даромадлилигини таъминлаб беради.

Мамлакатнинг инвестиция мухитини шакллантирадиган ва унга

таъсир этувчи омиллар мажмуини 1-жадвал орқали ифодалаш мумкин.

## 1-жадвал

### Инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар [19]

Омиллар	Мазмуни
Иқтисодий ҳолат	Мамлакат тўлов балансининг ҳолати, валюта-пул тизими барқарорлиги, ташки иқтисодий алоқаларнинг ривожланганини, ички бозор сифимининг катталиги, инфляция даражаси, ЯИМ, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари
Хуқуқий база	Янги шароитларга мос келадиган, мамлакат ва унинг алоҳида тармоқларининг ижтимоий-иктисодий ривожланишини бошқарадиган хуқуқий-меъёрий, жумладан, республика Президентининг фармонлари ва қарорлари, хукumat қарорлари, тегишли низом ва йўриқномаларнинг мавжудлиги
Табиий хом ашё ресурслари	Минериал, хом ашё, ёқилғи-энергетика ва сув ресурслари захиралари, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини ишлаб чиқариш ҳажмлари
Меҳнат ресурслари ва бандлик	Иқтисодий фаол аҳоли сони, банд аҳоли улуши, ишсизлик даражаси, хизматчилар даромади даражаси, кадрларнинг малака даражаси, аҳолининг саводхонлиги
Ишлаб чиқаришнинг техник базаси	Асосий ишлаб чиқариш фондлари, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, ускуналарнинг фойдаланиш муддати, асосий фондларнинг эскириши даражаси
Илмий-техника салоҳияти	Иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажмлари, инвестиция рисклари даражаси, ишлаб чиқаришнинг техник жиҳозланиши, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари соҳасини ривожлантириш ҳолати, маҳсулотнинг фан сифимкорлиги катта ва юқори технологик турларини ишлаб чиқариш
Молия-кредит тизими	Солиқ ва кредит сиёсати, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг фойдалилик ва рентабеллик даражаси. Нарх сиёсати ва нархни шакллантириш сиёсати
Инфратузилма	Банк тизимининг ривожланиши ҳолати, транспорт, коммуникация хизматлари ва меҳмонхона хўжалиги соҳалари, товар ва фонд биржалари, маркетинг, консалтинг, аудиторлик хизматлари, сугурта соҳаси тармоғининг ишончлилиги
Экологик вазият	Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси, радиацион фон, заарлар чиқиндилар, табиий иқлим ва унинг ўзгариши, хорижий фуқароларнинг унга мослашиш даражаси

Ҳар қандай давлатга инвестицияларнинг кириб келиши ва ривожланиши мазкур мамлакатдаги инвестиция муҳитига таъсир этувчи омилларга бевосита боғлиқ бўлади. Мамлакатимиздаги инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар, асосан, тўрт гурухга бўлиниб, улар ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омилларни ташкил этади. Фикримизча, инвестиция муҳити жозибадорлигини таъминловчи ва уни амалга оширишга хизмат қилувчи асосий омил, айнан, инвестиция салоҳияти ҳисобланади. Бунда мавжуд хом ашё ресурслари, демографик

салоҳият, ишлаб чиқариш қувватлари, фан-техника тараққиёти ва инновациялар, ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмалар, банк ва нобанк тизими, аҳолининг истеъмол талаби ва туризм салоҳияти кабилар худудларнинг инвестициявий жозибадорлигини аниқлаш ва оширишда муҳим аҳамия касб этади.

Барқарор қонунчилик асослари, жумладан, инвесторлар учун инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган, улар хуқуқларининг давлат томонидан кафолатланиши, турли солик ва божхона имтиёзларининг берилиши, мол-мулкларнинг сақланиши ва маблағлардан фойдаланишни кўзда тутувчи кафолатлар, барча турдаги инвестицияларнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши инвестиция муҳити жозибадорлигини таъминлаш ва оширишда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Фикримизча, инвестиция муҳити жозибадорлигини таъминлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади:

1. Инвестициялар ва инвестиция лойиҳалари билан боғлиқ рискларни суғурталаш тизимини такомиллаштириш, бу борада хуқуқий-меъёрий хужжатларнинг тўла маънода амал қилишига эришиш зарур.

2. Инвестиция муҳити жозибадорлиги ва барқарорлиги, фикримизча, давлатнинг хорижий инвестицияларга бўлган сиёсий муносабати, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражаси, давлат аппарати бошқармасининг ишлаш самараси, давлатнинг сиёсий барқарорлиги, иқтисодиётнинг умумий ҳолати (ўсиши ёки инқироз), инфляция даражаси, валюта курсининг барқарорлиги, солик ва божхона имтиёзлари, ишчи кучларининг қиймати ва меҳнат ресурсларини ишлатилиш тартиби, аниқ товар ва хизмат турларига бўлган талаб ва таклифнинг мавжудлиги, кредит баҳоси, қолаверса жамият аъзоларининг хорижий капитал ва хусусий мулкчиликни шаклланишига бўлган муносабати, жамиятнинг идеологик билимлари даражаси, ишчи кучларининг ташкилотчилик ва тадбиркорлик

қобилияти каби омилларни чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш асосида таъминлаш мумкин.

3. Ўзбекистоннинг глобал индексларда иштирок этиши ва ўрнининг юқорилаб бориши бошқа мамлакатларнинг қиёсий устунликларини аниқлаш имконини бериб, натижада инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича келгуси ислоҳотлар йўналишларини белгилаб беради.

4. Ҳудудларда инвестицион жозибдорликни оширишнинг асосий йўналиши инвестицион имижини ривожлантиришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқишдан иборат. Назарий ёндашувлар ва таҳлиллар маълум бир вилоятда инвестицион жозибдорликни оширишдаги асосий инвестиция стратегияси «ҳудуд имижи»ни шакллантириш эканлигини асослаш имконини берди. Муайян бир вилоятида инвестицияларни кенг жалб этишнинг асосий йўналиши «ҳудуд имижи»ни шакллантириш ҳисобланиб, унинг асосий йўналишлари ҳисобланган диагностик, лойиҳавий, ишлаб чиқиш, баҳоловчи асосномалардан иборат ташкилий-иктисодий механизм тавсия этилади.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. 26-мақсад ([lex.uz](#)).
2. Долан Э.Д., Линдсей Д.Е. Рынок: микроэкономическая модель: Пер. с англ. – СПб.: «Экономика», 1992. – 496 с.
3. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег: пер. с англ. – М.: «Гетос АРВ», 1999. – 454 с.
4. Макконнелл, Кэмпбелл Р. Экономикс (принципы, проблемы и политика). Пер. с англ. Под общ. ред. А.А.Пороховский. – М: «Республика», 1992. – 404 с.
5. Пол А. Самуэльсон, Вильям Д.Нордхаус. Экономика: Пер. с англ. – М.: «БИНОМ», «Лаборатория Базовых Знаний», 1997. – 800 с.
6. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. – М.: «Эксмо», 2008. – 840 с.

7. Агаева Л.К., Анисимова В.Ю. Инвестиционная привлекательность региона. Учеб. пос. – Самара: «Издательство Самарского университета», 2018. – 72 с.
8. Литвинцева Г.И. Факторы и пути повышения инвестиционной привлекательности региона. Идеи и идеалы 2019. Том 11. №4, часть 2. – С. 244-245.
9. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2010. – 328 б.
10. Маликов Т.С. Инвестицион жозибадорлик: унинг мазмун-моҳиятини ифодалашда нималарга эътибор бериш керак?. «Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясининг материаллари тўплами. 12 май 2023 йил. – Тошкент: «Иқтисод-молия». – Б. 129-132.
11. Фозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Монография. – Т.: «Молия», 2003. – Б. 26.
12. Имомов Х.Х. Инвестицион муҳитни яхшилаш ва уни жозибадорлигини оширишни молиявий асослари. Иқт. фан. ном. илм. дар. ол. уч. тақ. эт. дисс. автореф. – Т.: «ТДИУ», 2011. – 24 б.
13. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион жозибадорликнинг назарий, методологик ва амалий талқини. Монография. – Т.: «Маънавият», 2021. – 352 б.
14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Тахрир ҳайъати Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. – Т.: «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси», 2008. – Б. 206.
15. [ЎРҚ-598-сон 25.12.2019. Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида \(lex.uz\).](#)
16. [O'zbek tilining izohli lug'ati - M.pdf \(ziyouz.com\).](#)
17. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати». 80 000 дан ортиқ сўз ва сўзлар бирикмаси. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 1-жилд, 2017. – 99 б..
18. Имомов Х.Х. Инвестицион муҳитни яхшилаш ва уни жозибадорлигини оширишни молиявий асослари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. Дисс. Автореф. – Т.: Иқтисод-молия, 2011. – Б. 11.
19. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2010. – Б. 174.